

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1483-ҳадис

1483/3660 – عَنْ عَمَّارِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَا مَعَهُ

إِلَّا خَمْسَةً أَعْبَدُ وَأَمْرَاتَانِ، وَأَبُو بَكْرٍ.

1483.3660. Аммор розияллоху анху айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни кўрганимда у зот билан фақат беш қул, икки аёл ва Абу Бакр бор эди».

Изоҳ: Бу ерда Аммор ибн Ёсир розияллоху анху Ислом умматининг илк аъзоларини санамоқда. Беш қул – Билол ибн Рабоҳ, Зайд ибн Ҳориса, Омир ибн Фуҳайра, Абу Фукайҳа, Убайд ибн Зайд Ҳабаший, икки аёл эса Хадижа ва Умму Айман розияллоху анҳум эди.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI